



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2019 йил 5 февраль

сешанба № 4 (1156)

e-mail: insonvaqonun@adliya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz/



ADLIYA MULTIMEDIA

Марказ Президент Фармони билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича тасдиқланган "Йўл харитаси"да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширади



Марказнинг бош мақсади
ХУҚУҚИЙ МАЪРИФАТНИ
таъминлашдир



ОАВ ва кенг жамоатчилик
учун адлия органлари
ва муассасалари
фаолияти **ОЧИКЛИГИ** ва
ШАФФОФЛИГИНИ таъминлаш



Фақат
ИШОНЧЛИ МАЪЛУМОТ
тақдим этиш



Вазирликнинг **1008** рақамли
"ишонч телефони"га
келиб тушаётган
муурожаатларга
ЖАВОБ БЕРИШ



САҲИФАЛАРДА:

Депутатлик осонми?



Халқ депутатлари кенгашлари ўзларининг ҳоқимият ваколатидан фойдалана олмаётгани сир эмас. Кенгаш мажлислари қарсақбозлик билан ўтади, ортиқча саволлар берилмайди, ташаббуслар кўрсатилмайди...

2-БЕТ

Судьялар олий мактаби- да кимлар ўқийди?



— Яқинда Судьялар олий мактаби ташкил этилгани ҳақида эшитдим. Айтинг-чи, кимлар бу олий мактабда ўқиши мумкин? Судьялар олий мактабида таҳсил олиш даврида ходим ишдан озод қилинадими, бунинг тартиби қандай бўлади?

3-БЕТ

Отанга бор, онанга бор... Ўртада сарсон Диловар



ЖУРНАЛИСТ
СУРИШТИРУВИ

4-БЕТ

Нафс ўпқони осмонни ҳам ютади...ми?!

Унинг навбатдаги очкузлиги бошига кулфат келтирди. Нафс бандасининг қилмишлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан рад этиб бўлмас далиллар билан ошкор қилинди.

5-бет

Нега ҳадеб маълумотнома сўрайверасизлар?

Тибиёт тизимининг айрим раҳбарлари эътиборига!

7-БЕТ

ДЕПУТАТЛИК ОСОНИМИ?



ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАНҚИДИЙ НАЗАР

ДАВЛАТИМИЗ раҳбари 2018 йил якунларига бағишлаб Парламентга қилган мурожаатида вакиллик органлари фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтди.

Хусусан, ушбу органлар ишига доир қатор танқидий фикрларни билдирди.

“Ҳисоботларга эътибор берсак, маҳаллий Кенгашлар фаолиятида гўёки ижобий ўзгаришлар юз бераётгандек туюлади, лекин улар фақат рақамларда акс этмоқда, холос. Бизга рақамлар эмас, аниқ натижа керак.

Қачонки, ҳудудлардаги вазият ижобий томонга ўзгарса, бюджет ижроси тўлиқ таъминланса, жиноятчилик камайса, янги иш ўринлари яратилса, энг муҳими, халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланса, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ижобий баҳо берса бўлади.

Афсуски, биронта туманда халқ депутатлари Кенгашининг фаолияти намунали асосда ташкил этилгани йўқ.

Маҳаллий вакиллик органларининг асосий таркибини ташкил этувчи депутатлар фаолияти бугун амалдагидан кўра фаоллашув ва жадаллашув лозимлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу ўринда, биринчи навбатда, депутатларнинг ўзидан ташаббус ва уйғоқлик талаб қилинмоқда.

Улар-чи? Улар нима қилишяпти?...”

Халқ депутатлари кенгашлари нима иш қилаяпти?

Халқ депутатлари кенгашлари жойларда халқ ҳокимиятини амалга оширувчи орган сифатида демократик бошқарувнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Халқ вакилларининг асосий иши Кенгаш фаолиятида иштирок этиш, унинг қарорлари орқали жойларда халқнинг иродасини ифода этишдан иборат.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий ваколатлари келтирилган.

Қонунни ўқисангиз, унда маҳаллий кенгашларга катта ваколатлар берилганига гувоҳ бўласиз: ҳокимлару прокурорлардан ҳисобот сўраш, бюджет, мулк тақсимоотида иштирок этиш, исталган эшикка монеликсиз кириб бора олиш ва ҳоказо.

Аммо амалда ушбу ваколатлардан етарлича фойдаланилмаётгани, халқ депутатлари кенгашлари ўзларининг ҳокимият ваколатидан фойдалана олмаётгани сир эмас. Кенгаш мажлислари қарсакбозлик билан ўтади, ортиқча саволлар берилмайди, ташаббуслар кўрсатилмайди...

Ўз навбатида, ижро ҳокимияти органлари ҳам халқ депутатлари кенгашлари олдидаги ҳисобдорлик туйғусини етарлича ҳис этмайдилар. Ҳисобот бериш ва депутатларнинг саволларига жавоб қайтариш масаласига масъулият билан ёндашмайдилар. Депутатлар ижро ҳокимияти вакилларининг ўзларига ҳисоб беришдан бўйин товлашлари, Кенгаш мажлисларига келмасликлари ҳақида куйиб-ёниб гапиришади.

Депутатларнинг фаоллашуви учун нималар зарур?

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун фуқаролар ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол бўлиши лозим.

Аммо воқелик шундайки, фуқаролар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш фаолиятига суҳт аралашадилар, ўзларининг шахсий манфаатларини тўқнаш келмагунча, бу тизим билан деярли ишлари бўлмайди.

Бу фақат ўзбек жамиятида эмас, бошқа кўплаб мамлакатларда ҳам кузатиладиган ҳолдир. Одамлар ўз ҳаёти, иши, шахсий муаммолари билан банд бўлиб, фуқаролик позицияси ва ижтимоий фаолликдан чекиниб бормоқдалар.

Шундай шароитда халқ вакили сифатида маҳаллий кенгашлар депутатлари қандай йўл тутиши керак? Фуқароларни фақат “ёрдам бер”, “талабимни қондир”, деган позициядан “ёрдам бераман”, “бирга ишлаймиз”, деган томонга ўтказиш учун нималар қилмоқ керак?

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида фуқаролик ташаббуслари, қонунчиликка таклифлар, бошқарувда фаол иштирок этиш каби масалалар қачон биринчи ўринга чиқади?

Депутатларнинг ўзи қачон уйғонади?

Ҳозирда депутатларнинг асосий вазифаси ўз-ўзини ташкиллаштириш ва бошқариш эмас, фуқароларга давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг жойларда амалга оширилишини таъминлашдан иборат бўлиб қолмоқда.

Бюджет тақсимооти юқори даражада марказлашган шароитда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш механизмнинг самарадорлиги суҳт бўлиши табиий эди. Чунки боча ва мактабларни молиялаштириш, йўл қуриш ёки уй-жой таъминоти масалаларида маҳаллий кенгашларнинг имкониятлари чекланиб қолгани ҳеч кимга сир эмас.

Фуқаролар буни биладилар, шу сабабли маҳаллий депутатлардан кўра хорижий грантлар асосида ишлайдиган нодавлат нотижорат ташкилотларига кўпроқ мурожаат қиладилар.

Фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ишончи пасайга-

ни сайин бу органнинг иш самараси ҳам тушиб кетаверади.

Сўнгги йилларда маъмурий бошқарув юқининг маълум қисмини марказдан ҳудудларга бериш йўлида қатор ишлар қилинмоқда. Президент Фармони билан ҳудудларнинг бюджет параметрларини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш бўйича депутатларнинг роли оширилди.

“Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг қарорларига мувофиқ туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлари ҳамда харажатлари ҳажмларини тасдиқлаш бўйича уч иш куни ичидан қарорлар қабул қилади” (Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, 27-модда).

Бу халқ депутатлари Кенгашларига берилган муҳим ваколатлардан биридир. Чунки Кенгаш шу ваколатидан фойдаланиб маҳаллий даражадаги муаммоларни тубдан ҳал эта олиши мумкин.

Олайлик, депутат у ёки бу муаммони депутатлик сўрови ёки бошқа имкониятларидан келиб чиқиб бир марта ҳал қилиб бериши мумкин (масалан, маҳаллага сув келтириб беради). Бироқ у Кенгаш депутати сифатида мажлисда бюджет тақсимоотида масъулият билан ёндашса ва маблағни муаммоли соҳага йўналтира олса, ўнлаб маҳаллалар ичмилк суви билан таъминланиши мумкин.

Қолаверса, сўнгги йилларда маҳаллий бюджет тақсимооти соҳасида қатор прогрессив ўзгаришлар қилинмоқдаки, бу халқ депутатлари кенгашлари ва хусусан, депутатларнинг ўзида ҳам катта имкониятлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Маълумот учун: 2018 йилда солиқ маъмуриятчилигининг моҳиятан янги тартиби жорий этилгани сабабли солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 5,5 триллион сўм маблағ қолдирилди. Бу 2017 йилги кўрсаткичларга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан 32 баробар кўпдир.

Депутатлар ана шу маблағларнинг мақсадга мувофиқ сарфланишида шахсий масъулиятларини ҳис этишлари ва бюджет тақсимоотида фаол ва ҳушёр бўлишлари замон талабидир.

Маҳаллий ҳокимият органлари ҳам, ўз навбатида, депутатларнинг фаоллигини рағбатлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасида амалий ёрдам кўрсатишлари зарур. Масалан, депутатларга фаолияти учун зарур бинолар ва техника воситаларини тақдим этиш, давлат хизматчилари ва фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш соҳасидаги билимларини оширишга ёрдам бериш улар олдида турган вазифалардандир.

Лекин амалда бу борада ҳам аҳвол яхши эмас. Олий Мажлис депутати Расул Кушербоев бу ҳақида ўзининг телеграм каналига ёзди. Тошкент вилоят Зангиота туманининг Урта Овул қишлоғида ҳамда Янгийўл шаҳрида депутатнинг сайловчилар билан учрашувида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бепасанд муносабат билдирилганини афсус билан қайд этди.

“Президентимизнинг “Депутатга бепасандлик халққа бепасандлик”, деган

баҳога келишлари шунчаки бўлмаганлигини яна бир бор англаб турибман.

Эҳ... бу ишлар депутатни обрўсини тўкиш ва бир четда туриб кулиш учун атайин уюштирилмаганлигига қаттиқ ишонгим келаяпти”, деб ёзади Р.Кушербоев.

Олий Мажлис депутати шундай муносабат бўлса, маҳаллий даражадаги депутатларнинг аҳволини тасаввур қилиб кўраверинг.

Улар депутатлик орқали халққа амалий фойда етказа олмастидан, ижро ҳокимиятининг халқ ҳокимияти вакилларига нисбатан муносабатидан иштиёқлари сусайиб, шаштлари сўниб бораётганини айтадилар.

Аммо бошқа томондан, ҳамма ҳам Расулдек куйиб-ёнадиган депутат эмас-да. Бу соҳага турли шахсий манфаатларни кўзлаб кириб қолганлар, лоқайдлар, лаганбардорлар, масъулиятсизлар ҳам, афсуски, талайгина.

Мақолани ёзиш жараёнида ўзимнинг телеграм каналимда кичик бир сўров ўтказдим. “Сизнингча, одамлар нима учун депутат бўладилар?”, деб икки ярим минг кишилик аудиториядан сўрадим. “Дхлсизлик ва бошқа имтиёзлардан фойдаланиш учун”, деган жавоб энг кўп овоз олди (47 фоиз). Энг кам — 2 фоиз овоз эса “Фидойилиги учун”, деган вариантга берилди.

Халқнинг депутатларимизга ишончи, афсуски, шу даражада.

Сайловчилар билан қандай ишланыпти?

Депутатнинг асосий вазифаларидан бири сайловчилар билан мулоқот қилишдир. Халқ сайлаган вакиллар, аввало, халқнинг ўзи билан ишлашни билиши, фуқаролар билан яқин мулоқотда бўлиши, омма уни таниши, ҳурмат қилиши ва унга муаммоларини айта олиши керак.

Депутатларимиз мурожаатлар билан қандай ишланыптилар? Муаммоларни қай тарзда ва қайси даражада ҳал этмоқдалар?

Сирдарё вилоят туман кенгаши депутатларидан бири ўз тажрибасидан куйидаги мисолни сўзлаб берди:

“Бир аёл мурожаат билан келди: эри 2012 йилда автохалокатдан сўнг тос суяги синиб юролмай қолган. 7 йилдан бери хонадан ташқарига чиқмаган. Шу сабабли охириги пайтлар сиқилиб, тинмай йиғлайдиган бўлган. Бориб аҳволни кўрдим, чиндан ҳам моддий ночор оила. Эркак чиндан ҳам қаттиқ тушқунликда. “Ҳеч бўлмаса битта аравача топиб беринг”, деди эркак. Шаҳар шифохонасининг бош врач ўринбосарига телефон қилиб аҳволни тушунтирдим. “Опа, бизда бўш аравача йўқ”, деди. “Унда вафот этганларнинг рўйхатини қилиб, улар ишлатган аравачаларни йиғинг”, дедим. Бир ҳафта аввал икки оғби кесилган Ҳожи бобо оламдан ўтган эди. Ушанинг аравачаси бекор ётган экан, олиб келди. Санитаркалар ювиб-тозалаб беришди. Ногиронлиги бор шахсга элтиб бердик. Муаммо шу тарзда ечилди”.

Ушбу ҳолат депутатларимизнинг бугунги кунда муаммоларни қай тарзда ечаётганларига бир мисол бўлгани учун мақолага киритилди.

Депутат фаол бўлса, фуқароларга у ёки бу ҳодиса, ҳолат юзасидан ёрдам бериши мумкин, аммо ушбу масалаларни тубдан ҳал қилиш учун маҳаллий кенгашлар сессияларида уларни кўтариш, бюджет тақсимоотида ижтимоий ҳимоянинг улушини ошириш масалаларини олиб чиқиш ҳоллари, афсуски, жуда кам учрайди.

Муаммолар эса, тубдан ҳал этилмаса, эргашиб юраверадилар.

Бугун халқимиз ва Президентимиз депутатлардан кўп нарсга кутаяпти. Шундай шароитда депутатлик фаолиятини жадаллаштириш ва замон талабига мослаш нақадар муҳимлигини англаш қийин эмас.

Шахноза ТЎРАХЎЖАЕВА,
журналист

ҚЎЛ ТЕЛЕФОНИГА ВИДЕОГА ОЛСАМ БЎЛАДИМИ?

— ЙПХ ходими йўлда кетаётганимда мени тўхтатди. Хавфсизлик чорасини кўриш учун ўзимнинг шахсий телефонимга ўзаро суҳбатимизни видеога олмакчи эдим. ЙПХ ходими бунга менинг ҳуқуқим йўқлигини айтди. Бу тўғрими?



— Йўқ, нотўғри. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги 975-сон қарори билан тасдиқланган "Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисида"ги низомга кўра йўл ҳаракати қатнашчилари ЙПХ ходими билан ўзаро муносабатини ўзига тегишли аудио, фото ва видео курилмага қайд қилиш ҳуқуқига эга.

УЗОҚ МУДДАТГА САФАРГА БОРИШИМ МУМКИНМИ?



— Ташкилотда иш юритувчи бўлиб ишлайман. Бошлиқ томонидан бошқа вилоятга 2 ойлик хизмат сафарига боришим кераклиги айтилди. Лекин узоқ вақт оиламни ёлғиз ташлаб кетишни хоҳламайман. Бунда хизмат сафари муддатини қисқартириш мумкинми?

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида йўриқномага (рўйхат рақами: 1268-сон) кўра, ходимларни хизмат сафари муддати ташкилот раҳбари томонидан белгиланади ва ҳар бир ҳолат учун йўлдаги вақтни ҳисобга олмаган ҳолда 40 кундан кўп бўлмаслиги керак. Сизнинг ҳолатингизда 2 ойлик хизмат сафарини белгилаш ноқонуний.

8 Ёшли БОЛАГА КАСАЛЛИК ВАРАҚАСИ...

— Саккиз ёшли фарзандим касал бўлиб қолди, уни парваришlash учун касаллик варақаси очтиришим мумкинми?



— Ҳа, мумкин. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами: 2667-сон) мувофиқ ўн тўрт ёшга етмаган бемор болани парваришlash учун унинг онасига, она бўлмаган ёки бетоб бўлганда бошқа оила аъзоларига ўн тўрт календар кунидан ошмаган муддатга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади.

ГАРАЖИМНИ БУЗИШСА...



— Кўп қаватли уйда яшайман, уйим яқинида гаражим бор эди. Лекин уни бузиб ўрнига замонавий автотураргоҳ куришар экан. Бунда мен янги тураргоҳдан жойни яна пул тўлаб сотиб олишим керакми?

— Йўқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 июлдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган "Автомобилларнинг воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофиқ, автомобилларнинг воситалари эгаларининг яқка тартибдаги гаражлари бузиб ташланган тақдирда уларга автомобиль воситаларини доимий сақлаш бўйича уй-жой мавзела-ридаги бузиб ташланган яқка тартибдаги гаражлар ўрнида ташкил этиладиган автомобиль тўхташ жойида доимий равишда бепул берилган жой берилади.

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими
Дилмурод РАЖАББОВ жавоб берди

МЕНДА САВОЛ БОР

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2019 йил 6 январда имзоланган "Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниб, Оммавий ахборот воситаларида Судьялар олий мактаби ташкил қилиниши ҳақида хабар берилгач, бу борада таҳририятимизга фуқаролар томонидан бир қанча саволлар келиб тушди. Уларнинг айримларига бугунги саҳифамизда мутахассислар жавобини келтирамыз:

СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИДА КИМЛАР ЎҚИЙДИ?



— Яқинда Судьялар олий мактаби ташкил этилгани ҳақида эшитдим. Айтинг-чи, кимлар бу олий мактабда ўқиши мумкин? Судьялар олий мактабида таҳсил олиш даврида ходим ишдан озод қилинадими, бунинг тартиби қандай бўлади?

Нилуфар ҲАМРОЕВА,
Сурхондарё вилояти

— Мамлакатимизда чинакам мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, суднинг нуфузини кўтариш, одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тузилма судлар корпусини шакллантиришнинг принциплари янги ҳаёт шартлари ҳақида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Судьялик лавозимларига номзодларни қабул қилиш 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб фақат судьялик лавозими захирасида бўлган шахслар орасидан танлов асосида амалга оширилади.

Бўлажак судьяларни ўқитиш грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга оширилади.

Судьялик лавозимига номзодлар асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод қилинади, бироқ уларнинг эгалланган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланади. Тингловчилар судья ёрдамчисининг бир ойлик иш ҳақи миқдоридан стипендия билан таъминланади.

Судьялик лавозимларига 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат бундай курсларда ўқишни муваффақиятли тамомлаган шахслар тайинланади. Ўқиш дастурини бажармаган ёки тақлиф этилган судьялик лавозимини эгаллашни рад этганлар бутун ўқиш даврида олинган стипендия суммасини давлат бюджетига тўлиқ миқдорда қоплаб беради.

Бундан ташқари, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш 2 ойлик курси, 2 ҳафтадан кам бўлмаган, судьялар ва судлар аппарати ходимлари малакасини оширишни йўлга қўйиш мактабнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Саволга Судьялар олий мактаби директори
ўринбосари Комил СИНДАРОВ жавоб берди.

СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИДА ЎҚИТИШ ҚАНДАЙ УСУЛДА БЎЛАДИ?



— Судьялар олий мактабида ўқитиш қандай усулларда олиб борилади? Яъни, ушбу даргоҳда таҳсил олувчилар учун қандайдир янгилик борми? Хорижий тажрибалардан қай даражада фойдаланилади?

Шавкат ҲАСАНОВ,
Наманган вилояти

— Таълим муассасасида дарслар инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерфаол ўқитиш услублари асосида ташкил этилади.

Машгулотлар самардорлигини таъминлаш, тингловчиларнинг амалий кўникмаларини ошириш мақсадида дарсларга тажрибали судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, адвокатлар, вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассислари, хорижий давлатларнинг иқтисодий олим ва амалиётчилари жалб этилади.

Тингловчилар Олий мактаб аудиторияларида ўтирган ҳолда хорижлик мутахассисларнинг маърузаларини тинглаш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, тингловчиларнинг судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, ҳатто хорижий давлатларда амалиёт ўташларига кенг эътибор қаратилади.

Мазкур вазифалар бажарилишини таъминлаш мақсадида Олий мактаб ва унинг ходимларига кенг ваколатлар берилгани, моддий ва ижтимоий таъминоти бўйича улар судьялар ва суд ходимларига тенглаштирилганини ҳам таъкидлаш лозим.

Ўқув юртида 5 та: фуқаролик ҳуқуқи, иқтисодий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ҳамда касбий кўникмалар кафедралари фаолият кўрсатади.

Саволга Судьялар олий мактаби ходими
Нилуфар ДАДАБОВЕВА жавоб берди.

ҚОҶОЗДА "ҚҮМИЛГАН" ҒОЯ...

ТАҲРИРИЯТИМИЗГА "Олмалик Диловар Қурилиш" МЧЖ раҳбари Диловар Муратов Оҳангарон туман ҳокимияти устидан шикоят билан мурожаат қилди. Фуқаронинг айтишича, қарийб бир йилдан буён у ҳокимият эшигида сарсон. Тўғрироғи, яна бир қанча идораларга эшикма-эшик кириб овора бўлиб юрибди.

Воқеа шундан иборатки, Диловар Муратовнинг тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун янги лойиҳаси бор. Унинг бизнес режасида Оҳангарон шаҳри ҳудудида 60-70 ўринли сихаттоҳ ташкил этиш кўзда тутилган. Бизнес лойиҳага эътибор қаратсангиз, унда деярли камчилик йўқ. Сихаттоҳ учун керак бўладиган харажатлар белгиланган, беморлар учун нечта ўрин ажратилади, бу масканда қандай турдаги даволаш усуллари олиб борилади, келтириладиган замонавий асбоб-ускуналар, технологиялар, яратилдиган иш ўринлари — бари-бариси ҳақида батафсил ёзилган. Тадбиркорнинг айтишича, иш бошлаши учун ўзига ҳамкор инвесторлар ҳам бор экан. Банкдан кредит олиши учун ҳужжатлари тайёр. Хўш, муаммо нимада унда? Лекин бу ғоя ва тақлифлар қоғозда "қумилиб" ётибди.

ни тадбиркорга ноль харид қийматида берса олам гулистон. Бироқ муаммо шу жойдаки, тадбиркор бу борада ҳокимиятга қанчалик кўп мурожаат қилмасин, натижа бўлмапти. Ҳокимият вакиллари иншоотнинг кадастр ҳужжатлари тайёр бўлмаганлигини ҳар сафар ваз қилишди. Аммо улар тадбиркорни ноумид ҳам қилишмаган. Ҳужжатлар тайёр бўлиши билан маълум қилишларини айтишган. Орадан ойлаб вақт ўтиб ҳам ҳеч бир жавоб ололмаган Диловар Муратов Тошкент вилоят прокуратурасига мурожаат қилади.

Ўрганиш жараёнида Тошкент вилоят прокуратурасидан келган жавоб хати қўлимизга тушди. Унда профилактория биноси 2018 йил 21 апрелда туман ҳокимияти фармойиши билан "Оҳангаронцемент" АЖ тасарруфидан Оҳангарон туман ҳокимлиги балансига қабул қилинганлиги ҳақида маълумот берилган ҳамда бино Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабига кўра ижара шартномаси асосида фойдаланишга берилиши маълум қилинган. Хат орқали фуқарога ушбу бинодан ижара шартномаси асоси-

ти сифатида қаралади ва Тошкент вилоят ҳокимлиги 2018 йилнинг 31 октябрида ушбу ҳолатни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилади.

ПРОКУРАТУРА ТАҚДИМНОМАСИДАН
ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Диловар Муратовнинг йиғмажилдидаги барча хат-қоғозларни ўрганиб чиқдик ва унинг мутасадди идоралар ходимларининг лоқайдлиги ва масъулиятсизлигидан ранжиб ёзган хатини мадад талаб мактуб сифатида газетамиз саҳифаларида чоп этдик. Орадан вақт ўтди. Бирор ўзгариш бўлмади. Тадбиркор эса умид билан яна оstonаимизда турарди. Шундан сўнг масалага равшанлик киритиш ниятида фуқаро билан бирга Тошкент вилоят ҳокимлигига йўл олдик. Фуқаро мурожаати асосида ташриф буюрганимизни айтганимизда эшик посбонлари бизни санатни ривожлантириш ва иқтисодиёт масалалари билан шугулланувчи, уларнинг тилида "Иқтисод бўлими", деб номланувчи бўлим томон йўналтиришди.

Биз кўтариб келган йиғмажилдда прокуратура, туман ҳокимлиги, вилоят ҳокимлиги ва бошқа идораларнинг хатлари жуда кўп эди. Шу сабаб бир йилдан бе-

"Ҳокимият ўз балансидagi бўш бинодан қандай фойдаланишни ўзи ҳал қилади. Туман тиббиёт бирлашмасига янги бино қуриш кўп маблағни талаб этади. Иқтисодий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда биз ҳам Оҳангарон туман ҳокимлигининг бу қарорини қўллаб-қувватлаймиз". Ана шундагина биз учун масала равшан бўлди-қолди.

БИР ЙИЛЛИК САРГАРДОНЛИК УЧУН
КИМ ЖАВОБ БЕРАДИ?

Албатта, ҳокимият ўз ҳудудидаги барча шарт-шароитларни, ижтимоий, иқтисодий вазиятларни ҳисобга олади ва шунга қарата йўл тутди. Бироқ ўртада бир инсоннинг ойлаб сарсон-саргардон югани-чи? Бунинг ҳеч қандай жавоби йўқми? Маълум бўлишича, Оҳангарон туман ҳокими тадбиркор Диловар Муратовнинг мурожаати бўйича ўз ўринбосарларига топшириқ берган. Уларнинг эса фуқарога жавоби ҳамиша "кадастр ҳужжати тайёр эмас", қабилида берилган. Вилоят қадастр бўлимининг бизга маълум қилишича, бинонинг кадастр ҳужжатлари аллақачон тайёр экан. Демак, ҳулоса шундан иборат бўладики, тадбиркорга аниқ жавоб айтилмаган ва ҳамиша ваз, баҳоналар олдинга сурилган.

Ҳақат биз суриштирув ўтказиб вилоят ҳокимлигига борганимиздагина тадбиркорга "Нега айнан шу биного ёпишиб олдингиз? Вилоят ҳудудида бўш турган бинолар кўп, улардан бирортасини сизга тақлиф қилишимиз мумкин", деган гапни айтишди. Бир йиллик сарсонгарчилик орасида эса на туман ҳокимлиги ва на вилоят ҳокимлиги тадбиркорга бошқача-роқ тақлиф билдирмаган, бизнес лойиҳасига ақалли қизиқиб кўришмаган.

Бир йил аввал нима воқеалар рўй берган бўлмасин, барибир фуқарога ёрдам бериш керак-ку, деган ўйда вилоят ҳокимлигига тадбиркорлар билан ишлайдиган, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб, лойиҳалари билан танишиб, тақлиф берадиган қандай бўлим ва ходимлар борлиги билан қизиқдик. Аммо бу вазифани бажарувчи ходим иш юзасидан бошқа жойга жўнатилган, бундай лавозимлардан бири эса вакант эканлиги маълум бўлди. Ҳуллас, бизга ҳеч ким ёрдам бера олмади.

НИХОЯСИ ҚЎНҒИРОҚЛАРГА
ЖАВОБ ЙЎҚ

Бўлиб ўтган барча воқеаларга қарамай сўзимизда қатъий туриб олдик ва фуқарога нега шу пайтгача аниқ гап айтилмай сарсон қилинганлигига изоҳ сўрадик. Вилоят ҳокимлиги томонидан Оҳангарон туман ҳокими ўринбосарига қўнғироқ қилинди ва у бизга барча сабабларни тушунтирадиган бўлди. Минг афсуски, ҳоким ўринбосарини топиш жуда қийин кечди. Бир амаллаб ниҳояси қўнғироқ қақирувларидан бирига илганимизда эса ўзлари бизга қайтиб қўнғироқ қилишларини айтишди. Мақолани тугаллагунча икки ҳафта кутдик. Аммо туман ҳокимлигидан ҳеч қандай изоҳ берилмади.

ҒОЯЛАР ҚАНДАЙ ЎЛАДИ?

Ўртимизда инвестиция муҳитини яхшилаш, иқтисодиётни тубдан модернизация қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлар дуч келаётган гов, тўсиқларни бартараф этиш учун катта миқёсда ислохотлар олиб борилапти. Бу борада қатор қонун ҳужжатлари ҳам қабул қилинди. Албатта, йиллар давомида бу хайрли ишларнинг самараси ва роҳатини кўрамин. Аммо оғриқли жиҳати шундаки, бизнесни янада олға силжйтиш учун курашилаётган бир даврда тадбиркор гоҳларини қўлтиклаб эшикма-эшик юрса-ю, мутасадди идоралар нега бунчалар бепарво?! Шу йўсин янги гоҳлар йўқ бўлиб кетаверадими?!

Биз мурожаат муаллифига чекинмаслигини, Тошкент вилояти ҳудудида бўш турган бошқа биноларни ҳам қўришни, шу асосида бизнес гоҳларини янада ривожлантиришини маслаҳат бердик.

Мадҳия АБАЗОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ЖУРНАЛИСТ
СУРИШТИРУВИОТАНГГА БОР, ОНАНГГА БОР...
ЎРТАДА САРСОН ДИЛОВАРБИНО 12 ЙИЛДАН БУЁН БЎШ
НИЯТИМ БИЗНЕСНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ

Ҳамма гап шундаки, сихаттоҳ барпо этиш учун объект керак. Тадбиркор бунинг ҳам чорасини толган. Оҳангарон туман ҳудудидаги 12 йилдан буён бўш ётган эски профилактория-санатория биносини замонавий сихаттоҳга айлантирмоқчи. Иншоотнинг номига қараганда у аввал ҳам сихаттоҳ бўлган кўринади. Шу ерлик аҳолининг айтишича, бундан бир неча йиллар олдин бу ер одамлар ҳордиқ чиқариб, доволаниб кетадиган маскан бўлган экан.

— Моддий ёки бошқа сабаблар билан бино мана 12 йилдирки, бўш ётибди, — дейди Диловар ака. — Ўзим шу ҳудудда улгайганман. Бу ерликларни яхши танийман. Қанийди, ўша сихаттоҳни кимдир яна қайтадан ташкил қилса, бир пайтлар одам қадами узилмайдиган маскан, мана энди ташландиқ жойга айланиб қолди, деб қуниб гапиришади одамлар.

МУАММО ШУНДАКИ...

Тадбиркор билан гаплашиб шундай ҳулосага келдикки, агар Оҳангарон туман ҳокимияти профилактория биноси-

да фойдаланишга олиш учун туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилиши мумкинлиги тушунтирилган.

АРИЗАЛАР ЙИҒМАЖИЛДГА СИҒМАЙ
ҚОЛДИ. НАТИЖА ЭСА...

Прокуратурадан келган хатта асосан фуқаро бинони ижара шарномаси асосида олиш учун яна Оҳангарон туман ҳокимиятига мурожаат қилади. Тўғриси айтсак, ушбу тадбиркорнинг йиғмажилдида шикоят-ариза, мурожаат ва жавоб хатлари шу қадар қалашиб кетганки, идораларро хат алмашинувининг жозибасини шу ерда кўриш мумкин. Фуқаро Оҳангарон туман ҳокимиятига 2018 йилнинг 29 март ва 26 июни ораллигида ва ундан кейин ҳам кўп бора мурожаат қилади. 2018 йилнинг апрелида ҳокимлик балансига тушган профилактория биносининг эса орадан ойлар ўтса-да, кадастр ҳужжати тайёр бўлавермади. Шу сабаб бўлса керак фуқаро Тошкент вилоят прокуратурасига яна шикоят-ариза йўллайди. Натижада, Тошкент вилоят прокуратураси томонидан бўш турган бинодан самарали фойдаланилмаётгани ва фуқаронинг мурожаати эътиборсиз қолдирилаётганига қонунбузилиш ҳўла-

ри югуриб юрган бу тадбиркорнинг масаласи вилоят ҳокимлигига ҳам "отнинг қашқасиди" маълум бўлса керак, деб ўйлаган эдик. Афсуски, вилоят ҳокимлигига мурожаатлар асосида бу фуқаронинг иши билан ким шугулланганини бизга топиб бера олишмади. Прокуратура томонидан ҳокимликка киритилган тақдимнома ва бу борада нима иш қилинган ҳақида сўраганимизда эса уларнинг хайрати ошди. Биз 2019 йилнинг январь ойида журналист суриштируви билан вилоят ҳокимлигига борган бўлсак, икки ой аввал 2018 йилнинг октябрида прокуратуранинг киритган тақдимномасидан уларнинг хабари йўқлиги маълум бўлди ва ёки шу масала билан шугулланган ходим ким эканлигини аниқлай олишмади.

Шу ўринда иқтисод бўлими ходимининг ишга пухта (ўрисча айтганда "пунктуал") ёндашадиган инсон эканлигини ҳам тан олмаслигини илоҳи йўқ. У масала яна ҳам чиғаллашмаслиги учун дарҳол Оҳангарон туман ҳокимига қўнғироқ қилди. Ҳокимнинг жавобига қараганда 12 йилдан буён бўш ётган ушбу профилактория биносини Туман тиббиёт бирлашмасига айлантириш кўзда тутилган экан. Вилоят ҳокимлиги томонидан бизга узил-кесил жавоб беришди:

НАФС ЎПҚОНИ ОСМОННИ ҲАМ ЮТАДИ...МИ?!

ЭЛЁР Рустамов (исм-шарифлар ўзгартирилган) “Ўз-миллийбанк”нинг Академик филиали касса мудири лавозимида тўппа-тузуккина ишлаб келаётганди. Нима бўлди-ки, нафс домига илиниб, жиноятга қўл урганини сезмай қолди. Ёз кунларининг бири. Банкда одатдагидек иш қайнаган.



Сайёр касса ходими М.Умарова ва кассир-эксперти Г.Юсуповлар нақд пул тушумини йиғиб, кирим кассасига топшироқчи бўлишди. Лекин Элёр Рустамов жиний режасини амалга ошириш мақсадида йиғиб келинган суммани кирим кассасига ўзи томонидан топширишини билдириб, (ваколати бор эди) уларга пул маблағлари ва унинг ҳужжатларини ўзига тақдим этилиши тўғрисида топшириқ берди. Сўнгра, М.Умарова ва Г.Юсуповлардан қабул қилиб олган 17.808.000 сўмдан 1.362.000 сўмини белгиланган тартибда кирим кассасига жойлаб, қолган 16.143.000 сўм пулни кирим қилмасдан банкдан олиб чиқиб кетади. Нафси ҳақалак отган Э.Рустамов бир соат ўтгач, бу билан чекланмай ўзининг жиний ҳаракатларини яна давом эттиради. Яъни, Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҳузуридаги “Инкассация хизмати” ДУК инкассаторлари томонидан йиғиб келинган 91.661.050 сўм пул “Ўзмиллий-банк” Академик филиалининг кассири ҳамда нazoratchи-бухгалтерига топширилганидан хабар топгач, мансаб мавқидан ғараз ниятда фойдаланади. Кассир ва нazoratchи-бухгалтернинг моддий жавобгарлигида бўлган 91.661.050 сўм пул маблағини пул санах жамоаси нazoratchиси Н.Олдаховага беришини тайинлайди. Натижада, Н.Олдахова қабул қилиб олинган нақд пул маблағлари банк кассасига кирим қилиниши учун тақдим этади. Бу вазиятдан фойдаланган Э.Рустамов банк кассасига кирим қилиниши лозим бўлган ушбу пулни банк ходимлари ва мижозларнинг пластик картасидаги маблағларини нақдлаштириш учун банккоматта жойлаштириш баҳонасида 70.000.000 сўм нақд қисмини кирим қилмасдан, осонликча ўзлаштиради.

Э.Рустамов йўлаган ишнинг силлиқ амалга ошганидан янада руҳланиб кетди. Аммо нав-

батдаги ўзлаштироқчи бўлган “катта лужма”ни ўмариш пайтида қонуннинг метин мушти зарбасига учради. Гап шундаки, ўзи ишлайдиган банкнинг кассир-нazoratchиси Х.Норигитовадан пул сақлаш омборига топшириш учун махсус қопга солинган 389.759 АҚШ долларини “Қабул қилинган ва берилган бойликлар ҳисобини юритиш” дафтарига имзо чекиш орқали ўзининг моддий жавобгарлигига қабул қилиб олгач, режалаштирган жиний ишини амалга ошириш пайида бўлди. Пломбаланган махсус қоп пломбасини бузиб ташлаб, унинг ичидан 270.000 АҚШ долларини олади, тўғрироғи, чўнтакка уради. Фириб йўлини “текислаб” қўйиш мақсадида тақдим қилиниши лозим бўлган барча ҳужжатларни сохталаштиради. Яъни, Э.Рустамов ихтиёрида бўлган 270.000 АҚШ долларини шахсий мулкига айлантириш мақсадида, уларнинг келиб чиқишига қонуний тус беришга бўлади. Ўз эҳтиёжлари учун маъий техника воситалари ҳамда таниши Б.Қосимовнинг номига кўчмас мулк сотиб олиб, мол-мулкнинг манбаини, пул маблағлари ёки мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқини яширишга уринади. Банк мудирининг навбатдаги очқўзлиги бошига кулфат келтирди. Нафс бандасининг қилмишлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан рад этиб бўлмас далиллар билан ошкор қилинди.

Суд томонидан Э.Рустамовга Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жазо белгиланди. Шунингдек, етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш чоралари ҳам кўрилди.

Муҳаммад КАЮМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улугбек туман суди судьяси,
Гулҳаё НУРМЕТОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

ОПАСИНИ ТУНАГАН СИНГИЛ бугун афсусда. АММО...

ЖИНОЯТ кодексининг 169-моддаси “Ўғрилик”, дея номланиб, унга кўра ўғрилик — ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилишдир. Аммо Поп туман Ойбек маҳалласида яшовчи Бумайрам Солиҳова (исм-шарифлари ўзгартирилган) жиний шериги Нозима Абдуллажоновани билан бирга бегона ҳовлига эмас, балки ўз туғишган опаси Аломат Солиҳованикига ўғирликка тушибди.

Гап шундаки, ўша кунни Аломат болаларини етаклаб, ота-онасиникига кетганди. Хўжайини Мухсинжон эса узоқ сафарда эди. Бунни яхши билган Бумайрам опасининг буюмларини ўмариш хусусида Нозима билан жиний тил бириктирди. Кеч соат 21:00 ларда эса иккаласи А.Солиҳованинг уйига яширин равишда кириб, “Аверло” ва “Чайка” русумли тикув машиналари, 15 дона аёллар кўйлаги матолари, жияларнинг ўқув куроллари, 1 дона телевизор тонури каби жами 3.450.000 сўмлик мол-мулкларини ўғирлаб чиқиб кетишди.

Ўғри дугоналарнинг кейинги “манзили” туманининг Анҳор маҳалласидаги кўп қаватли уйда яшовчи Дилобар Юнусованики бўлди. Яъни, улар хонадон соҳибасининг уйда йўқлигидан фойдаланиб, 3 кун мобайнида дазмол, гиламлар, телевизор тонури, тилла тақинчоқлар, газ ҳисоблагич, тикув машинаси, аёллар кўйлаги матолари, соч турмаклаш мосламаси, аёллар оёқ кийими, болалар кийим-кечаклари сингари 4.370.000 сўмлик буюм ва ашёларни яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинишган. Бу орада эса Н.Абдуллажоновани ўз қўлини Жаннатой Умаровага уқол қилиш учун кириб, бу хонадондан ҳам қуруқ қайтмайди. Ж.Умарованинг 1.172.000 сўмлик мулки ва озиқ-овқат маҳсулотларини ўғирлаб чиқади.

Бунни қарангки, шундан кейин ўғри хонимларнинг “иштаҳа”си янада очилиб кетди. Оқибатда бир ой ичида яна 10 нафар фуқаронинг 15.770.000 сўмлик мол-мулкларини ўмариб, айримларини арзон-гаровга сотиб юборишди. Бироқ “Кўза кунда эмас, кунда синади”, деганларидек, қўл ўтмай қонун ҳимоячилари Бумайрам ва Нозиманинг қилмишларини фош этишди. Натижада ҳар иккаласига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жиноят иши қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг ҳукмига биноан судланувчиларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, улар суд залидан қамоққа олинди. Шунингдек, суд ҳукмида айбдорлардан жабрланувчиларга етказилган зарар ҳам солидлар тартибда ундирилиши белгиланди.

Суд мажлисида айрим жабрланувчилар, жумладан, Бумайрамнинг опаси Аломат Солиҳова ўзига етказилган зарардан воз кечганини маълум қилди. Суд Поп туман халқ таълими бўлими қошидаги васийлик ва ҳомийлик органи зиммасига Б.Солиҳованинг 2 нафар, Н.Абдуллажонованинг 1 нафар фарзандини уларнинг қариндошлари ёки бошқа шахсларнинг ҳамда маъсасаларнинг васийлигига ёки ҳомийлигига топшириш вазифасини юклаш тўғрисида ажрим ҳам чиқарди.

Энди бир мулоҳаза қилиб кўрайлик: Бумайрам ва Нозима жазо муддатини ўтаб чиққунча 3 нафар фарзанд она меҳридан бошқа ҳеч нарсага зориқмаслиги мумкин. Лекин вақти-соати келиб улар улгайгач, тенгдошлари “Сен ўғринми боласисан” ёки “Сенинг онанг ўғри”, дея юзига солмаслигига ким қафолат бера олади? Энг ачинарлиси, ана шунда.

Илбжон УСМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Поп туман суди раиси

ҲОКИМ ҚАРОРИ ва ПОРА... ҚАЙ БИРИ КУЧЛИ?

ҲАЁТ чорраҳаларида турфа ҳолатларга гувоҳ бўламиз. Кимларгадир баланд-баланд қасрлар насиб этса, кимлардир катакакдек уйга эга бўлишни умр бўйи орзу қилиб ўтаётгани ҳам афсуски ҳақиқат. Уй-жойсиз одам, унга эришиш учун турли товламачиларга, алдовларга дуч келадиганлиги ҳам бугун ҳеч кимга сир эмас. Навоий шаҳридаги “Кимёгар” маҳалла фуқаролар йиғини биносига ўтказилган жиноят ишлари бўйича шаҳар судининг очиқ мажлисида бошпанага муҳтож ночор аёлнинг сарсон-саргардонлиги ва алданишига сабаб бўлган кимсаларнинг иши кўриб чиқилди.

Назира Алиева (исми-шарифлар ўзгартирилган) уй-жойга муҳтожлиги сабабли Навоий шаҳридаги ётоқхоналардан жой ақратишнинг сўраб, шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилаётганда, бу масала суд залигача етиб боришини тасаввур ҳам қилмаганди. Навоий шаҳар ҳокимлиги томонидан унинг ётоқхонага муҳтожлиги инобатга олиниб, шаҳардаги 3-сонли уй-жой ётоқхонасидан навбат асосида хона ажратилиши тўғрисида шаҳар ҳокимининг қарори чиқарилган. Қарор ва бошқа зарур ҳужжатлар ўша вақтнинг ўзидаёқ 3-сонли уй-жой ётоқхонасидан муҳтасибнинг мудирига олиб бориб берилган ва у 79-навбатга қўйилган бўлса-да, аммо орадан икки йил вақт ўтса ҳамки, унга ҳеч қандай хона ажратилмади.

У кутавериб сабри тугагач, ўтган йилнинг январь ойида нима сабабдан ётоқхона ажратиш бунча вақт қўзилганини билиш мақсадида Навоий шаҳар уй-жойдан ва ётоқхоналардан фойдаланиш бошқармасига борган, қабулга келган нотаниш фуқародан бу ердаги баъзи “ўйин”лар тўғрисида хабар топди. Аввалги навбатлар йўқолгани, қайтадан навбатга туриш зарурлиги, “ишни ҳал қиладиган” таниш-билиш топмаса бўлмаслиги ҳақидаги оғзаки эсплатлар унинг умидларини пучга чиқарди.

Қишнинг аёзли кунларида ётоқхонага муҳтож аёл таниш-билишлари орқали бую ётоқхона излашга тушади. Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 49-а-уйда жойлашган 7-сонли ётоқхонага нажот излаб

бош суқади, ёрдам сўрайди. У ерда унга ётоқхона фарроши Замира Солиева дуч келиб, танишлари орқали ётоқхоналардан бўш жой излашни ваъда қилади. Ва орадан 3-4 кун ўтгач, 3.Солиеванинг телефонидан Н.Алиевага кўнги-роқ бўлади. Ўзини 3.Солиеванинг сингисиман, деб таништирган аёл Анора Олимова эканлигини кейинчалик билган Назира “опа-сингил” фирибгарлар тузуги а илганлигини билмайди. Бир ҳафтада ётоқхона масаласи ҳал бўлиши учун 7 миллион сўм бериши кераклигини эшитган Н.Алиева ҳозирча йиғиб қўйган 6 миллион сўмини бера олиши ва қолган бир миллион сўмини эса пластик карточкадан ташлаб беришини айтади.

Ётоқхона ажратиш билан шуғулланадиган танишларнинг соясида юрган Навоий шаҳрида жойлашган ётоқхоналардан хона расмийлаштириб бериш масаласида бирор-бир ваколатга эга бўлмаса-да, алдаш ёки ишонччи суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мол-мулкни қўлга киритишни уйлаган икки аёл бири ётоқхонада фаррош, бири эса вахта навбатчиси бўлиб ишлаш жараёнида Назира каби содда одамларнинг ишончига кириб, пора эвазига ётоқхонадан жой олиб беришни ваъда қилиши жиноят эканлигини била туриб, бу йўлдан қайтмади.

Назира Алиевани тузоққа илинтирган устаси фаранглар ишга жиддий киришиб, ундан қўлида қандай ҳужжатлари борли-

гини сўраб, Навоий шаҳар ҳокимининг қарорини кўриб, “мана бу қарор бизга жуда керакли ҳужжат”, дея қувониб кетишди. Чунки шаҳар ҳокимининг қарори бир неча йил аввал чиққани ва хона олишга ҳеч қандай муаммо йўқлиги уларга асқотиши аниқ эди. Улар ётоқхона “савдосини пишириб”, пул билан айтган манзилда учрашишга келишиб тарқалишди.

Аммо уларнинг гап-сўзлари Н.Алиевани ўйлантириб қўяди. Пешона тери билан ҳалол топган пулларини шу фирибгарларга бериб, бир ҳафтада иссиққина ётоқхонага эга бўлиб яшагандан кўра, уларнинг сирини фош қилишни афзал кўради. Уларнинг ҳаракатлари ноқонуний эканлиги ҳақида Навоий вилоят ички ишлар бошқармасига ариза билан мурожаат қилади.

Айтилган жойга келишилган маблағ билан келган Н.Алиева жамиятдаги бир иллатнинг олдини олишга ҳисса қўшганидан мамнун эди. Бир муҳтож аёлни тузоққа тушираман, деб ўйлаб чучаварани хом санаган фаррош аёл ва шериги эса тузоққа тушганидан, жинояти фош бўлганидан, суднинг қора курсисига ўтирганидан пушаймон. Жиноятга яраша жазо тайинланди.

Суннат БОЛТАЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Навоий шаҳар суди судьяси,
Маруса ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

ҲАЛОЛЛИК ВА АДОЛАТ У КИШИНИНГ ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ



УБАЙДУЛЛА Қурбонovich мамлакатимиз мустақиллигининг ilk кунларидан бошлаб қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг шаклланиши ҳамда уни мустаҳкамлашда сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

Тадбирда парламент аъзолари, у киши билан бирга ишлаган кўплаб таниқли ҳуқуқшунослар, шоир ва ёзувчилар, шогирдлари иштирок этди ва Убайдулла аканинг инсоний фазилатлари, ҳаёт йўли, иш принциплари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси:

— Убайдулла Қурбонovichни ҳаққимиз кўп йиллардан буён юксак инсоний фазилатларга эга бўлган адолатли судья сифатида жуда яхши танийди ва ҳурмат қилади.

Убайдулла ака машаққатли меҳнат ва ҳалоллик инсонни қанчалик юксак мавқега эриштириши мумкинлигини исботлаган кам сонли юртдошларимиздан биридир. Бугунги тадбирда иштирок этаётган ва фикр-мулоҳазаларини билдирётган инсонларнинг деярли барчаси алоҳида таъкидлаб ўтишяптики, у киши нимагаки эришган бўлса, ҳалоллик ва сидқидилдан қилинган меҳнати эвазига эришган. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилатган ва Ўзбекистон давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши бўлган адолатни қарор топтириш масаласида у кишининг алоҳида хизматлари бор.

Убайдулла ака бугунги кунда ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида муҳим аҳамият касб этаётган судьялар ҳамжамиятининг олий органи Судьялар олий кенгашига раҳбарлик қилмоқда.

Тадбирда адиб ва журналист Шохруҳ Акбаровнинг Убайдулла Мингбоев ҳаёти

ва фаолиятига бағишланган "Касбқорим адолат бўлди" номли китобининг тақдими ҳам бўлиб ўтди. Китоб таниқли ҳуқуқшунос, академик, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори Акмал Саидов сўз бошиси билан бошланади. Акмал Саидов ушбу сўз бошида куйидаги фикрларни келтириб ўтди:

— Убайдулла ака Олий суднинг ўзида салкам 20 йил фаолият олиб борган. Шу жумладан, 12 йил давомидида, яъни 1991-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси лавозимида хизмат қилган.

Миллий тараққиётимизнинг кейинги мантиқий босқичида, Президентимиз ташаббуси билан икки йилдан буён ҳаётимизга кенг татбиқ этилаётган Ҳаракатлар стратегияси негизда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепцияни ҳаётга жорий этишга киришилди.

Устоз Олий Мажлис Сенатининг 2018 йил 29 июндаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси лавозимига тайинланди.

Модомики, Убайдулла аканинг бу бо-радаги ҳиссаси ҳақида сўз борар экан, у ўз касбини улуглаш масаласига нафақат амалий, айтиш чоғда иқидий жиҳатдан ҳам муносиб улуш қўшиб келатганлигини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳожимурод ИСОҚОВ,
Судьялар олий мақтаби директори:

— Устозимиз таваллуд кунини муносаба-ти билан ўтказилган тадбир жуда ибратли бўлди. Юксак ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлиш осон эмас. Бунинг учун инсон қалби тоза, вужуди пок, ҳаётнинг ҳар қандай синовларини матонат билан енгиб ўтишга қодир бўлиши керак. Убайдулла Қурбонovichда мана шундай инсон учун энг керакли фазилатлар бор. Республикаимиз аҳли Убайдулла Қурбонovichни ҳаётини ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига бахш этган ҳалол ва одил раҳбар, қатъиятли, жа-сур ва адолатли судья, меҳрибон устоз ва мураббий, жонқуяр, фидойи ва камтарин инсон сифатида билишади ҳамда ҳурмат қилишади. Устозимизнинг бугун шу кутлуг ёшда ҳам бизлар билан бир сафда юксак ва масъулиятли лавозимда ўз ҳаётини иш тажрибаси, тинимсиз сазй-ҳаракатлари билан барчага ўрнак бўлиб, ёнимизда турганлиги, ҳар бир ишда бизга бош-қош бўлаётганлиги жуда ибратлидир.

Журналист Арслон ЭШМУРДОВ
тайёрлади.

РЕКЛАМА

Ҳурматли юртдошлар!

"АСАКА" БАНК

куйдаги миллий ва хорижий валютадаги янги ўзоқ
муддатли омонат турларини таклиф этади:

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
78-120-82-37, 78-120-82-65, 78-120-82-98.

"МАНФААТЛИ"



Омонат муддати
18 ойгача.



Омонатга фоизлар куйидагича ҳисобланади:

- 12 ой сақланса — 16 фоиз (йиллик);
- 13 ой сақланса — 17 фоиз (йиллик);
- 18 ой сақланса — 18 фоиз (йиллик).



"Асака" банк шу билан биргаликда миллий ва хорижий валюталарда 26 турдаги қулай шартларда муддатли омонатларни таклиф этади.

"ИНВЕСТИЦИЯ" (АҚШ доллариди)



Омонат муддати
25 ойгача.



Омонат фоизи
5 фоиз (йиллик).



Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Ҳисобланган фоизларни, омонатчининг истагига кўра, ҳақиқатда сақланган муддат учун олиш мумкин.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.
СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- декларация қилинмайди;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод;

- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- микдори чекланмаган.

"АСАКА" БАНК — сармоянгизни
сақланиши ва кўпайишини
кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОНЛАР

Сергеи туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш инспекцияси (Сергеи тумани, А.Ахматова кўчаси, 1-уй) томонидан 2014 йил 25 декабрда 004569-06-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган "MUBINA-SHIRINA SAVDO" маъмурийлик чекланган жамияти ("MUBINA-SHIRINA SAVDO" МЧЖ), манзили — Сергеи тумани, Сергеев 8-мавзе, 83-уй, 39-қондон, СТИР рақами 303 128 834 таъсисчисининг

2018 йил 28 декабрдаги 2-сонли қарорига асосан тугатилади.
Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қорхона почта манзили бўйича қабул қилинади.

Сергеи туман Давлат хизматлари маркази томонидан (Сергеи тумани, Обидат кўчаси, 3-А-уй) 2018 йил 5 мартда 585563-сонли реестр рақами билан давлат рўйха-

тига олинган "UNION OIL" ҳуқуқий қорхонаси ("UNION OIL" ЖЧ), манзили — Сергеи тумани, Сергеев 2-мавзе, 5-уй, 49-қондон, СТИР рақами 305 372 974 таъсисчисининг 2018 йил 24 апрелдаги 2-сонли қарорига асосан тугатилади.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қорхона почта манзили бўйича қабул қилинади.

Фаргона вилоят адлия бошқармаси жамоаси Фаргона шаҳар 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси Убайдулла МИРЗАЛИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган



Бош
муҳаррир
Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Аббар Жўрабоевич
Рабиёв Шерзод Мирҳалилович
Тожиёв Фуркат Шомуродович
Искандаров Ербек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиёв Зайкиддин Очқиливич

Навбатчи
Ербек
Искандаров

Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур
Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа иқидий уйда чоп этилди.

Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 12031
Буюртма — V-3104
Тошпириш вақти — 19:00
Тошпирилди — 22:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 000, Тошкент ш.
Сайилтоҳ кўчаси-35.

Факс: (0371) 233-44-23,
(0371) 233-44-08

Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоси келтирилган нархда

1 2 3 4 5